

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қашқадарё вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи

Б.С. Махмадалиев

“_____” 2021 йил

**Саноат статистикаси бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси Саноат статистикаси бўлим мининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, хукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон ва 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва вилоят статистика бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, Қашқадарё вилояти статистика бошқармасининг қарорлари ҳамда мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим саноат статистикаси бўйича фаолиятини Бошқарманинг таркибий бўлинмалари, туманлар ва шаҳар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда худудий статистика бўлимлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарма бошлигининг биринчи ўринbosари раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғи биринчи ўринbosарига бўйсунади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) саноат статистикаси бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқиши ва бажарии, статистикани ташкил қилишининг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириши ва функционал тартибга солиши соҳасида:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишларнинг режа-жадвали, вилоят статистика бошқармасининг иш режаларини ўз вақтида шакллантирилишида иштирок этиш;

статистик маълумотлар фойдаланувчилари талабини ўрганган ҳолда узоқ муддатли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориш;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг саноат статистикасига оид қисми бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

саноат статистикаси соҳасида давлат статистика принциплари ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона статистика услубиётига риоя этилишини таъминлаш;

ишлаб чиқиладиган меъёрий-хукукий хужжатлар лойиҳаларига Бўлимнинг ваколати доирасидаги таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этиш.

б) халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона статистик услубиётни ва давлат статистика кузатув шаклларини ишлаб чиқиши бўйича таклифлар тайёрлаши ва жорий этиши соҳасида:

саноат статистикаси маълумотларини йиғиши ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини қабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштиришни амалга ошириш;

саноат статистикаси бўйича давлат статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш, амалиётта жорий этиш, статистик кузатувлар ўтказиш усулларини аниқлаш;

давлат статистика соҳасига оид меъёрий-хукукий хужжатларни ишлаб чиқишида Бўлим ваколати доирасида иштирок этиш;

саноат статистикаси соҳасида холис, сифатли ва долзарб ҳисбот маълумотларини тайёрлашни мувофиқлаштириш ва идоравий кузатувлар шаклларини келишишида иштирок этиш;

фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга бўлган талабига мувофиқ, саноат статистикаси соҳаси бўйича ривожланаётган хорижий тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш;

саноат статистикаси соҳасида халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатлар рейтинг баҳоларини тузиш учун фойдаланиладиган ахборот манбаларини ўрганишни ташкил этиш, улар асосида шакллантириладиган ва тарқатиладиган статистик кўрсаткичлар таркибини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

саноат статистикаси бўйича давлат статистика ҳисботлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

в) саноат статистикасига оид ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йигини, қайта ишилаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириши, таҳлил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг саноат статистикасига оид қисмини бажарилишини таъминлаш;

вилоят, худудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурлари бажарилиши бўйича давлат статистика кузатувларини Бўлим ваколати доирасида ташкил этиш ва амалга ошириш;

саноат статистикасига оид давлат статистика ҳисботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғиши, сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

саноат статистикасига оид кўрсаткичларининг статистик ҳисобини юритиш, вилоят бўйича муҳим жараёнларининг бирламчи статистик таҳлилини амалга ошириш;

статистик ҳисбот кўрсаткичларини тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини ҳамда статистик маълумотларнинг шаффоғлиги ва очиқлигини кенгайтириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектларга саноат статистикасига оид давлат статистика ҳисботи кўрсаткичларини ишончли тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равища тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлаш;

саноат статистикаси соҳасига оид статистик маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаш;

конунчиликка мувофик, Бўлим иш фаолиятида шаклланган архив хужжатларини жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга ошириш.

г) давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда саноат статистикасига оид ахборотлар билан таъминлаш соҳасида:

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун саноат статистикасига оид кўрсаткичларни максимал даражада шаффоғлиги ва ошкоралигини, халқаро статистик тўпламлар учун тайёрланишини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун саноат соҳасида юз берадиган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

саноат соҳасини тавсифловчи тезкор ва сифатли статистик маълумотларни тайёрлашни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик, чораклик ва ойлик статистик ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

саноат статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

саноат статистикаси соҳаси услубияти, статистика ишларини ташкил этиш ва уларни бажариш масалалари бўйича вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмалари ва худудий статистика органларига ёрдам кўрсатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар тайёрлайди;

Бўлим раҳбариятининг топшириқлари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан саноат статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлимнинг услубий, иқтисодий, ташкилий ва статистик ишлари режаларини шакллантиради ва уларнинг ижросини таъминлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равища тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

Вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти кўриб чиқиши учун таҳлилий ва бошқа материалларни тайёрлайди;

давлат идоралари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда саноат статистикасига оид статистик маълумотлар билан таъминлайди;

Бўлим иш услубини такомиллаштириб боради, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида бажарилишини таъминлайди, Бўлим ходимлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича масъулиятини ошириб боради;

Вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмалари ҳамда худудий статистика органлари билан биргаликда саноат статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг саноат статистикаси қисми бўйича вазифалар ижросини таъминлайди;

худудий статистика идоралари томонидан, саноат статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика услубиёти асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштиради;

саноат статистикасига оид давлат статистика ҳисботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этади, бу йўналишда худудий статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, саноат статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритади;

Бўлим ўзига юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳукуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкландиган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳукуқларга эга:

Вилоят статистика бошқармаси бўлинмалари ва худудий статистика органларидан ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

саноат статистикаси соҳасида ишларини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича вилоят статистики бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

давлат статистика кузатуви шаклларини ўзгартериш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиш усуллари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар бериш;

худудий статистика бўлимлари томонидан саноат статистикаси соҳасида ягона сиёsatни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ва бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисботларини белгиланган тартибда олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан саноат статистикасига оид ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишининг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

саноат статистикаси соҳасига оид давлат статистикаси кузатувларининг методологияси ва ташкил этилиши, шунингдек расмий статистик ахборотлар билан боғлик масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

саноат статистикасига оид маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва холисоналигини экспертизадан ўтказиш;

саноат статистикаси соҳасидаги давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш ва йигма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

семинар ва йиғилишларда, шунингдек халқаро семинар ва йиғилишларда иштирок этиш;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, вилоят статистика бошқармасининг иш режалари, Бўлим иш режасининг тузилиши ва мазмуни бўйича вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Бошқарма бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш.

9. Бўлим қўйидагилар учун жавобгар:

ўзига юклangan вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлигини, шунингдек:

Бўлим бошлигининг ўринбосари;

Бош мутахассис;

Етакчи мутахассис олади.

11. Бўлимга бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Саноат бўйича йиғма таҳлилий ахборотларни ва саноатни ривожлантириш дастурларининг индикаторларини шакллантириш бўлими қўйидагиларни амалга оширади:

саноат соҳасида мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши бўйича ойлик, чораклик ва йиллик статистик ҳамда таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш;

таҳлилий жадваллар, пресс-релизлар, маъruzалар ва статистик тўпламларни тайёрлаш, саноат соҳаси масалалари бўйича халқаро ташкилотлар саволномаларини тўлдириш;

динамик қатор кўрсаткичларини юритиши;

маълумотлар тақдим этиши ва ахборот-тушунтириш тадбирларини қўшган ҳолда респондентлар ва ахборот фойдаланувчилари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш;

вилоятнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш кўрсаткичларини саноат соҳасида таҳлилий ахборотларни шакллантириш жараёнида маҳаллий ва хорижий фойдаланувчилар кенг доираси учун статистик ахборотларни имкон даражасида шаффоғлиги ва ошкоралигини таъминлаш.

13. Саноат ишлаб чиқариш соҳасида тизимли статистик кузатувлари бўлими қўйидагиларни амалга оширади:

саноат ишлаб чиқариш статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган ишлар ва муддатлар бўйича йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, сақлаш, чоп этиши ва тарқатиш;

саноат ишлаб чиқариш соҳаси бўйича муҳим индикаторларни баҳолаш ва ҳисоб-китобини юритиши, барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари учун маълумотлар тайёрлаш;

саноат ишлаб чиқариш статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича ҳудудлар миқёсида тегишли мутахассислар фаолиятини мувофиқлаштириш;

саноат ишлаб чиқариш соҳаси бўйича статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва сақлашнинг замонавий усул ва услубиятларини кенг жорий қилган ҳолда статистик кузатувларни ташкил этиши ва умумэътироф этилган халқаро амалиётга мослаштириб бориш.

14. Энергетика, энергиянинг қайта тикланадиган манбалари статистикаси ва энергосамарадорлик ҳисоб-китоблар борасида қўйидагиларни амалга оширади:

энергетика, энергиянинг қайта тикланадиган манбалари ва энергосамарадорлик статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган ишлар ва муддатлар бўйича йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, сақлаш, чоп этиши ва тарқатиш;

худудий статистика органлари томонидан энергетика, энергиянинг қайта тикланадиган манбалари ва энергосамарадорлик статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиши ишларини мувофиқлаштириш;

энергетика, энергиянинг қайта тикланадиган манбалари ва энергосамарадорлик статистикаси бўйича давлат статистика ҳисботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

энергетика, энергиянинг қайта тикланадиган манбалари ва энергосамарадорлик статистикаси бўйича ахборотларнинг маҳаллий ва хорижий фойдаланувчилар учун очиқлигини таъминлаш.

5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш

15. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси тўғрисида низом, мазкур Низом, вилоят статистика бошқармаси бошлигининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек вилоят статистика бошқармасининг иш режалари, Бўлимнинг иш режалари ва Бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган вилоят статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва Бошлиқнинг биринчи ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юклangan вазифалардан келиб чиқсан ҳолда тайёрланади ва бошлиқнинг биринчи ўринbosари томонидан тасдиқланади.

16. Бўлим бошлиғи:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассисларнинг ишини ташкил қиласи, Бўлимга юклangan вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг қасбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошлиқнинг биринчи ўринbosарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

вилоят статистика бошқармасининг йигилишлари ва мажлисларида, шунингдек вилоят статистика бошқармаси раҳбариётининг топшириғига биноан Бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гурӯхлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

саноат статистикаси соҳасида норматив ва методологик ҳужжатларни ва давлат статистика кузатувлари шакллари таклифларини эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил қиласи;

вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринbosарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди,

кўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

саноат статистикаси бўйича услугбий ҳужжатларни қўллаш бўйича статистика бўлинмаларининг раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳат ва услугбий ёрдам қўрсатади;

вилоят статистика бошқармасининг ва Бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари захирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қиласди, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

17. Бўлим бошлиғи вақтингчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлим бошлигининг ўринбосари бажаради.

18. Бўлим бошлигининг ўринбосари:

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, материаллар, таклифларнинг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

буллетенлар, тўпламлар, маъruzалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрлайди;

муҳим индикаторларни баҳолайди ва ҳисоб-китобини юритади;

давлат статистика ҳисботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

статистик маълумотларни шарҳлаш, статистик кузатув бланкаларини тўлдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш;

асосий статистик кўрсаткичларнинг динамик қаторларини юритади ва доимий равишда янгилаб боради;

бўлим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

Давлат статистика қўмитаси ва Бошқарманинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

Бўлим бошлиғи билан бирга бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлим (шуъба)га кирувчи материалларни ва бўлим (шуъба)дан чикувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

статистик кузатувларнинг электрон маълумотлар базаси сақланишини ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик қаторлар юритилишини назорат қиласди;

Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлайди;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Бўлим бош мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, материаллар, таклифларнинг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топширикларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бюллетенлар, тўпламлар, маъruzалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрлайди;

муҳим индикаторларни баҳолайди ва ҳисоб-китобини юритади;

давлат статистика ҳисботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

статистик маълумотларни шарҳлаш, статистик кузатув бланкаларини тўлдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш;

асосий статистик кўрсаткичларнинг динамик қаторларини юритади ва доимий равищда янгилаб боради;

бўлим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

Давлат статистика қўмитаси ва Бошқарманинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

Бўлим бошлиғи билан бирга бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлим (шувъба)га киравчи материалларни ва бўлим (шувъба)дан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

стистик кузатувларнинг электрон маълумотлар базаси сақланишини ва асосий стистик кўрсаткичлар бўйича динамик қаторлар юритилишини назорат қилади;

Давлат стистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бўлим етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, материаллар, таклифлар ва хужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат стистистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

давлат стистистика ҳисботларини белгиланган муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилади, олинган маълумотларни таҳлил қилади, улар асосида жамланма маълумотлар жадвалларини шакллантиради, асосий стистистик кўрсаткичларни ҳисоблаш ишларини амалга оширишда иштирок этади;

бюллетенлар, тўпламлар, маъruzалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун стистистик маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, иш услуби ва методларини, уни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисбот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

стистистик кўрсаткичларни ишончлилиги, объективлиги, тўлиқлиги ва тизимлилигини таъминлашда иштирок этади;

давлат стистистика ҳисботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

стистистик маълумотларни шарҳлаш, стистистик кузатув бланкаларини тўлдириш масалалари, маълумотларни йигиши ва қайта ишлаш услублари, стистистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар беришда иштирок этади;

бўлим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

иш юритиши олиб боради, Бошқармада хужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қиласди, хужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишини таъминлайди;

раҳбариятнинг топшириклариға мувофиқ жорий ишларни бажаради;
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.